

Мени машақатга қўйдинг



08:00 / 30.06.2020 2482

Бир киши Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумога: «Фалончи сизни ғийбат қилди», деди. Ҳасан шундай деди: «Сен мени яна бир машақатга қўйдинг: энди мен Аллоҳдан ўзим учун ҳам, унинг учун ҳам мағфират сўрашим керак».

Амр ибн Мурра айтади: «Робийъ ибн Ҳусайм аёлининг олдига келиб, «Мен Аллоҳ йўлида яхши кўрадиган дўстимни меҳмонга чақирмоқчиман, жой тайёрлаб, ширин овқат пишир», деди. Аёли уйни безатди, жой тайёрлаб, таом пиширди. Кейин эрига: «Дўстингизни чақиринг», деди. У қўшниси Салолнинг олдига борди. Унинг кўзи ожиз эди. Уни олиб, уйига келди. Тайёрланган жойга ўтириб, аёлига таомни олиб келишни буюрди. Аёли таомни олиб келди. Робийъ қўшниси - Аллоҳ йўлида яхши кўрган дўсти билан биргаликда овқатланди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан